

ФИЛОЛОГИЯ

УДК: 8.82189

ЖАҲОН АДАБИЁТИДА “ЛИСОН-УТ ТАЙР” ТИПИДАГИ АСАРЛАР

Ҳ.Жураев, С. Хўжаев

Мақолада Алишер Навоийнинг «Лисон-ут-тайр» достони яратилишига таъсир курсатган жаҳон адабиёти намуналари таҳлилга тортилган.

В статье анализируются произведения мировой литературы оказавшая влияние на создание поэмы «Птичий язык» Алишера Навои.

In this article it is analyzed the works of world literature which influenced the creation epic poem "Bird Language" by Alisher Navoi.

Калит сўз ва иборалар: сайёр сюжети, мажоз, анъана, тадрижийлик, образлар тизими,

Жаҳон, хусусан, Шарқ адабиётида сайёр ёки анъанавий сюжетли асарлар кўпайиб учрайди. Шулар қаторида Навоий қаламига мансуб бўлган, ўзбек мумтоз адабиёти тарихида муҳим ўрин тутувчи “Лисон-ут тайр” типигаги мажозий-фалсафий асарларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши тарихи ҳам мавжуд.

Маълумки, Навоий ва Аттор достонлари сюжети қушларнинг Симург томон қилган сафари тасвирига асосланиб, шу орқали муаллифлар ўзларининг муайян фалсафий қарашларини образли ва бадий тасвирлаганлар. Худди шу мавзу ва сюжет асосида Аттор ва Навоийдан аввал Абу Али ибн Сино ҳам қалам тебратиб, “Рисолат-ут тайр” номли асар яратган. Дарҳақиқат, Ибн Синонинг мазкур рисоласи фақат Аттор ва Навоий достонлари вужудга келишида ўзига хос туртки бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга, ундан сўнг қуш тили билан мажозий-фалсафий асарлар яратилишига омил бўлиб ҳам хизмат қилган. Чунки Ғаззолий ва Сухравардий сингари муаллифлар ҳам худди шу типда асарлар яратганликлари ҳақида маълумотлар бор.

Ибн Синонинг “Рисолат-ут тайр” (“Қуш рисоласи”) асарининг қисқача мазмуни қуйидагича: Бир гала қушлар овчи тузоғига илиниб, ундан қутулишга уринишлари зое кетади. Шунда улар теграсида яна бошқа бир қушлар галаси пайдо бўлади. Маълум бўлишича, бу қушлар ҳам тузокка илинган бўлиб, кейинчалик ундан қисман халос бўлишган экан. Уларнинг бош ва қанотлари озод бўлса-да, оёқларида тузок қолдиқлари сақланиб қолган эди. Тўр остидаги қушлар биродарлари ёрдамида бўйин ва қанотларидаги тузок чангалидан халос бўлишади. Аммо оёқларидаги тузок бандларидан буткул қутула олмайдилар. Шундан сўнг қушлар нажот истаб, кенг водийлар ҳамда баланд тоғлар оша Буюк подшоҳ ҳузурига йўл оладилар. Ниҳоят, саккизта тоғ ва водий ортда қолиб, қўзланган манзилга етиб келадилар. Муҳташам қасрга кирганларида парда кўтарилиб, қушларнинг кўзи шоҳга тушади. У хусну жамолда шунчалар тенгсиз эканки, қушлар пол бўлиб, ҳушлари бошларидан учadi ва нимага келганликларини ҳам унутиб қўйишади. Шоҳ лутф-марҳамат кўрсатиб, уларнинг ҳушини жойига келтиради. Қушлар дадилланиб, ўз истакларини баён этишади. Шоҳ уларга “Оёқларингиздаги тузокни қўйган кишидан бўлак ҳеч ким еча олмайди. Мен унга бир элчи юбораман. Элчи сизларни тузокдан қутқаришни овчидан илтимос қилади”, дея жавоб беради. Қушлар изларига қайтадилар.

Мазкур сюжетни айрим тадқиқотчилар Ибн Синонинг таржимаи ҳоли билан боғлаб тушунтирадilar. Масалан А.Ирисов шундай ёзади: "Асардаги тузоқ – Маҳмуд Ғазнавийнинг чангали, кушларнинг бошу қанотлари озод бўлиши эса Хоразмшоҳнинг олимларга ўз тақдирларини ўз қўлларига топшириши, кушлар оёқларидаги тузоқ қолдиқлари Маҳмуд Ғазнавийнинг доимий таъқиби, тоғ ва водийлар эса Ибн Сино қочиб, кезиб юрган шаҳарлардир." [1]

Мазкур асарни фалсафий-тасаввуфий нуқтаи назардан ҳам талкин қилиш мумкин. Бу эса Шарқ адабиётига хос бўлган мазмуннинг серкирралигини, турли табақа ва савияга эга бўлган китобхонлар уни ўз тушунчалари бўйича талкин қилишлари мумкинлигини кўрсатади.

Нима бўлганда ҳам, Ибн Синонинг мазкур асари Шарқ халқлари ижтимоий-фалсафий фикр ва бадий тафаккури тараққиётида сезиларли из қолдириб, ўзидан кейин араб, форс-тожик ва туркий тиллардаги адабиётларда шу хил услубда асар ёзиш ан

ъанасини бошлаб берди. Бинобарин, кушларнинг мажозий образлари воситасида ёзилган фалсафий руҳдаги кейинги бадий асарлар, шу жумладан, Алишер Навоийнинг "Лисон-ут тайр" достони ҳам генезис нуқтаи назаридан Ибн Синонинг мазкур рисоласига бориб тақалади. Бирок бу асарлар Ибн Сино асарига қуруқ тақлид ёки оддий пайрав маҳсули сифатида вужудга келмай, балки муайян ижтимоий-тарихий сабаб ва шароитларга мувофик, хусусан, Шарқ ижтимоий-тарихий тафаккури тараққиёти босқичлари ҳамда муаллифларнинг дунёқараши, ғоявий мақсадлари билан бевосита боғлиқ ҳолда яратилди.

Форс-тожик адабиётининг атоқли намояндаларидан бири, мутафаккир шайх Фаридиддин Аттор (тахминан 1141-1229) ўз ижодий фаолияти билан Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиёти тарихида муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Шоирнинг кўп сонли асарлари орасида "Мантик-ут тайр" достони алоҳида ўрин эгаллайди. Шарқ адабиёти тарихида муҳим ўрин тутадиган мазкур дostonда муаллиф тасаввуф таълимотининг асосий қонун-қоидаларини мажозлар воситасида изчил баён этади.

Дostonда Булбул, Товус, Тўти, Тазарв, Кабк (каклик), Бум (Бойқуш), Уқоб (Бургут), Бат (Ўрдak) ва бошқа кушларнинг образлари мавжуд. Шоир мазкур образларни жамиятда тутган ўрни, машғулоти ва характери жиҳатидан бир-биридан ажралиб турувчи муайян шахс типларининг мажозий образи сифатида талқин этади. Бу соҳада у, асосан, ўз даври халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёт ва тасаввуф шеърлятида тўпланган бой тажрибаларга суянади. Масалан, Уқоб образи фолклор ва бадий адабиётда бўлгани каби мағрурлик тимсоли, Товус эса ўз ташқи гузаллигини кўз-кўз қилиб, мағрурланиб юрувчи усти ялтироқ, ичи қалтироқ кишиларнинг мажозий-аллегорик образидир. Кушлар образини шу хилда ижтимоий ҳаётга яқинлаштириш шоир учун тасаввуфга доир энг муҳим назарий масалаларни кенг баён этишга имкон берган.

Шоирнинг мазкур мавзуни ривожантиришга қўшган муҳим ҳиссаларидан бири унинг асаридан Худхуд образининг ўрин олишидир. Чунки

Аттор асарида Худхуд бош, етакчи қаҳрамонлардан бири бўлиб, дostonдаги барча воқеа-ҳодисалар бевосита унинг фаолияти билан узвий боғлиқ ҳолда берилган. Атторгача бўлган шу типдаги асарларда бу образни учратмаймиз.

Аттор Худхуд образини асосий мавзу доирасига олиб кирар экан, биринчи галда у ҳақдаги Шарқ фольклори ва Қуръонда мавжуд айрим маълумотларга таянади. Ривоятларга кўра, Худхуд Сулаймон пайғамбарнинг энг яқин сирдоши ва яқин маслаҳатчиси бўлиб, у билан Сабо шаҳри маликаси Билқис ўртасидаги севги муносабатларида воситачилик ролини ўтаган ва бу борадаги алоҳида хизматлари учун пайғамбар назарига тушган. Бошқа ривоятларда ҳам Худхуд ана шу тарзда донишманд ва махфий сирлардан хабардор қуш сифатида талқин этилади. Шоир мазкур ривоятлардан ижодий фойдаланиб, Худхудни Симурғ томон сафарга чиққан кушларнинг йўлбош-чиси сифатида тасвирлайди. Худхуд образига юкланган бу вазифа уни тариқат йўлига кирган суфийлар раҳнамоси (пири муршид)нинг умумлашма мажозий образи даражасига

кўтаради. Шунга мувофиқ, асарда тасаввуфга оид барча назарий ва амалий масалалар унинг тилидан баён этилади.

Аттор афсонавий Анқо куши ўрнига форс-тожик халқлари орасида машҳур бўлган Симург кушини асарга олиб киради ва шу орқали унга жуда катта ғоявий-бадний вазифа юклайди.

“Мантиқут тайр” достони Шарқ адабиётида кенг тарқалган ҳикоя ичида ҳикоя услубида ёзилган бўлиб, асар композицияси қолишловчи қисса ичида келган ўнлаб ҳикоятларни ҳам ўз ичига олади. Мавзу жиҳатдан ранг-баранг, баъзан реал ҳаётдан олиб ёзилган бу ҳикоятлар Аттор ижодини ўрганишда муҳим аҳамият касб этиш билан бирга, муаллифни форс-тожик шеърӣ ҳикоячилигининг энг йирик усталаридан бири сифатида ҳам намоён қилади.

Достоннинг юзага келиши Шарқ халқлари адабиётида катта воқеа бўлди. Асар мажозий тасвир усули орқали тасаввуфӣ-фалсафӣ масалаларни ифода этишнинг эпик поэзиядаги мумтоз намуналаридан бири сифатида шухрат қозонди. Ўздан кейинги форс-тожик ва туркий халқлар адабиётининг фалсафӣ-дидактик йўналиши тараққиётига кучли таъсир кўрсатиб, Шарқ шеърӣятида янги бир анъанани – куш тили билан асарлар яратиш анъанасини бошлаб берди.

Алишер Навоийнинг “Лисон-ут тайр” достони улуғ мутафаккир шоирнинг бутун ижодий фаолияти давомида илгари сурилган илғор фалсафӣ-тасаввуфӣ қарашларни умумлаштириб, уларга яқун ясайдиган асар сифатида муаллиф ижодида ўзига хос ўрин тутади.

Алишер Навоийнинг бу асарни ёзишдан бош мақсади Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ-ут тайр” достонига назира ёзиш орқали (шоирнинг ўзи бу асарни Аттор достонининг таржимаси дейди) куш тили воситасида ўзининг ваҳдат-ул вужуд таълимоти соҳасидаги кўп йиллик қарашларини маълум системага солиш ва уларга хотима яшадан иборат эди. Буни муаллифнинг ўз асари ҳақида айтган “Чун “Лисон-ут тайр” илҳони била тараннум тузубмен, куш тили ишораси била ҳақиқат асрорин мажоз суратида кўргузубмен”[2] каби сўзларидан ҳам пайкаш мумкин.

Навоий дoston муқаддимасида асар ёзилишига туртки берган омилларни санаб ўтади. Биринчидан, Аттор достонининг шоирга кўрсатган кучли ижодий таъсири ва бу таъсир оқибатида пайдо бўлган шундай асар ёзишга рағбатлантирувчи иштиёқ бўлса, иккинчидан, туркий адабиётда шу вақтга қадар “Мантиқ-ут тайр” типидagi асар яратилмаганлиги эди. Туркий тилда сўзлашувчиларнинг юксак санъат асарларидан баҳра олишини истаган, ўзи ҳам амалда бу борада жуда кўп ишларни амалга оширган Алишер Навоий “Мантиқ-ут тайр”дек муҳим ва қимматли асар туркий тилда ҳам юзага келишини исташи табиӣ ҳол эди.

АДАБИЁТЛАР:

[1]. Ирисов А. Абу Али ибн Синонинг “Саломон ва Ибсол” қиссаси. –Т., 1973. 18–19-бетлар; [2]. Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш жилдлик. 14-жилд. –Т., 1967. 120-бет.

Адабиётшунослик кафедраси

*Қабул қилинди:
18.05.2014*